

ВАТАН УЧУН ЎЛМОҚ ЯШАМОҚДИР



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 август, сешанба №117 (949)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Она юрт фидойилари

АБДУЛЛА АКАНИНГ ЎҒЛИ



қарши курашда беш нафар на-вқирон юртдо-шимиз ҳалок бўлди. Улар ора-сида каттакўр-гонлик Улуғбек Барноев ҳам бор. Эндигина 22 бахорни қар-шилаган Улуғ-бекнинг орзу-ар-монлари ўзи билан кетди. Отаси Абдулла ака, онаси Сабоҳат опа, укаси ва сингисини қалби-да эса ўчмас дард қолди.

Абдулла ака ўқитувчи, Сабо-хат опа боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Зиёли оилада тарбия топган фарзандларга маҳалла-қўйда ҳурмат билан қарашди. Аб-дулла ака иккала ўғли-

Мамлакатимизнинг жанубий чегараларида юз берган нотинч ва-зият юртдошларимиз-нинг қаҳр-газабининг кўзғатди. Ватанимиз-нинг муқаддас тулпа-рининг топташга уринган босқинчи тўдаларга

(Давоми 2-бетда)

«ЮРТИМИЗ КОРИГА ЯРАДИ...»



Ахмад ака ва Шакаррой опа учун 10-11 август кун-лари гоёт оғир кечди. Сурхондарёдан шум хабар келди. Ўғли Маъруфжон мамлакатимизнинг жану-бий сарҳадларида тинч аҳоли ҳаётига таҳдид сол-моққа уринаётган халқаро

террорчилар билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Бу мусибат бутун Булунгур туманида-ги Бешқўтон қиш-лоғи ахлини қаттиқ ларзага солди.

Маъруфжон энди-гина йигирма уч ёшни қаршилаган, қадди-комати келишган, мард ва кўнгли очик йигит эди. Спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланиб, жисмоний куч-қувватга тўлган бу йигит чап-дастикда унча-мун-ча полвонга бўй бермасди. У бола-лигиданоқ спортга, айни-қас, ҳарбий-жанговар маш-гулотларга қизиқарди. Бу-нинг боиси мактабда то-ғаси Мўминжон Хамроали-ев бошланғич ҳарбий тай-ёргарлик фанидан дарс

(Давоми 2-бетда)

«ФАРЗАНДИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН...»



Хабар қилинганидек, Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегара-дош тоғли туманларида террорчилар ғуруҳи билан тўқнашув пайтида Ўзбеки-стон Республикаси Курол-ли Куларининг беш нафар ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди. Бўлилма команди-

рининг ўринбосари лейтенант Бобур Абдухамидович Га-ниев ёш жонини Ва-тан озодлиги ва му-стақиллиги, тинч ва осойишта ҳаёт учун қурбон қилган мард йигитлардан бири-дир.

Ҳарбий хизматчи-лик Бобуржонга - ота касб. У ўшда, ҳарбий зобит оила-сида ўсиб-ўлғайган. Отаси Абдухамид ака десантчи қўшин-ларда синовчи-па-рашютчи бўлган. Абдухамид ака 46 ёшида вафот этган. Ўшанда энг кичик ўғли Бобуржоннинг ёши 9 да эди. Тўрт ўғил ва бир қизининг барча ташвиши Минаввар опа зиммасига тушди. Она фарзандларини ўстири-дирди: тўрттала ўғли ҳам ҳарбий хизматчи

(Давоми 2-бетда)



«НАБИРАМ ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛДИ»

ниятида бўлган халқ-аро террорчилар гу-руҳларини бартараф этиш учун олиб бо-рилган жангларда 23 ёшли катта лейтенант Алишер Сатторович Салимов ҳалок бўлди. Алишер Сир-дарё вилоятининг Ян-гиер шаҳрида ўсиб-вояга етган.

Нортожихон опа ўғлининг ўлими тўғрисидаги хабарни ўз отаси - Тожиқўзи бободан эшитди.

Ўғлинг... Алишеримиз чегарани босқинчилардан ҳимоя қила туриб, ҳалок бўлди, - деди зўрга Тожи-

қўзи бобо. Нортожихоннинг ранги оқариб, секин ўтирди. Бундан бир неча дақиқа аввал, саккиз яшар Да-лиёр дарвозани очган, унинг отаси ва тўрт нафар ҳарбий кийимдаги киши ҳовлига кириб келганида юраги бир хавфни сезган эди.

- Наҳотки ўғлимга би-рон нима бўлган бўлса?, - деган ўй кечган эди кўнглида. Яна ўзини чал-ғитиб, уйимизга кимлар келиб кетмайдилар, деб овун-ди Нортожихон. Отаси Меҳнат Қаҳрамони, уруш

(Давоми 2-бетда)



ЭР ЙИГИТ ЭЛИНИ АСРАР

Инсон орзу билан ти-рик. Благини кучга тўлган, томирини эшликнинг қайноқ қони гупираётган

навқирон йигитлар ота-онанинг суян-чиғи бўлсам, елка-сидан юкени олсам, дейди. Кексалар эса юртининг қорига яраб қолган фар-зандларининг дуо-жонини қилиб, ярат-ганга шукрона ай-тиб ўтиришни орзу-хавас қиладилар...

Невара-чеварала-рининг яхши кунла-рини, тўй-томошала-рини кўриш умиди-да яшаётган, ёшла-ри саксонни қоралаган Зоир бобо ва Рисолат момо фарзанд доғида қуйишни ҳаёлларига ҳам келтирма-

ган эдилар. Сурхондарё-нинг тоғли худудларида кечаётган воқеалардан уларнинг ҳам кўнглига ха-вотир тушган рост. Чун-ки қизлари томондан на-бираси Сайёржоннинг ўша ердаги ҳарбийларимиз са-фига бориб қўшилганини билишарди. Бирок, наби-раларининг довоёрлиги-га ишонган кексаларнинг кўнглидаги бесаранжом-лик тезда босилди. Ахир, Сайёр ўзининг ботир, э-чил зобит эканлигини бун-дан аввалроқ исботлаб қўйган эди-да. Утган йил-ги Боткен воқеаларида

(Давоми 2-бетда)

УЗУНЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

репортаж

Хаво бугун одатдагидан иссиқ. Туманда ҳаёт бир маромда кечмоқда. Бозорлар, дўконлар, корхона, идора, муассасалар ишлаб турибди. Одамлар қайфияти, орзу-интилишлари билан қизиқамиз.

— Халқимиз ўзини мар-дона тутмоқда, - дейди ет-миш ёшли Очил бобо Са-фаров. — Мард аскарла-римиз, зобитларимиз жан-гариларнинг асосий тўда-сини парчалаб ташлади. Бирок, хушёрликни, ҳам-жиҳатликни асло бўшаши-раётганимиз йўқ. Ярамас-лар битта қолмай йўқотил-магунича хотиржам ухлаш йўқ. Шу ўринда бир савол бермоқчиман: хўш, тер-рорчиларнинг қабиҳлиги оқибатида бошланасиз қолган одамларда, бола-ларда не айб?

Узун туманидаги Кулни-ёзов номи болалар ором-гоҳига Хамидарча, Кештут каби қишлоқлардан 27 киши кўчириб келтирилди. Уларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчилари. Барчалари тиббий қўриқдан ўткази-либ, керакли нарсалар бил-лан тўла таъминландилар. — Кишлоғимизда 10-15 хўжалик тарқоқ ҳолда яшардик, — дейди жаб-рда Зулайхо Халимова. — Лазнати террорчилар гўшамиздан айиришди, била-чақамизни сарсон-ликка маҳжум этиб, кўз ёш-ларини тўкишди, бир фар-

зандим билан аранг жон сақлаб қолдим. Мамлака-тимиз раҳбарияти, ҳарбий кўчларимиз ёвузларни даф қилиш учун тезкор чора-лар кўраётганлигини кўриб-билиб турибмиз. Бирок бунга қурбонлар эвазига эришмаяпти. Ва-тан озодлиги йўлида жон фидо қилган аскарлари-миз оналарининг аҳоли-ни тасаввур қиламан. Ин-соний фазилатлардан маҳ-рум бўлган, шум нияти йўлида ҳеч нарсадан тап-тортмайдиган газандалар-га лаънатлар бўлсин!

Оромгоҳга кўчириб ке-лингандар орасида 6 ёшли Саври Эшонқуло-ва, 5 ёшли Умар Эшонқ-улов ҳам бор. Улар тоғ-ли худудлардаги ёвуз-ликлар ҳақида нафратга тўлиб-тошган ҳолда га-пирадилар. Туман ҳоким-и Сафар Хасановнинг таъкидлашича, «Ғулис-тон», Ж.Очилдиев номи ширкат хўжаликлари бу ерга кўчириб келинган ки-шиларни кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминлаётган.

(Давоми 2-бетда)

МАНГУ БАРҲАЁТСИЗ

(Бағишлов)

**Даъвойингиз йўқ эди
Қаҳрамонликка,
Яшашдан умидингиз
кўп эди бешак.
Аммо ёв ҳамласига
бордингиз тикка,
Уришдан тўхтади беш
орзули юрак!**

**Жон ўрнида қолди ном
абадул абад,
Армонлар чирқирайди
эгасиз, халак.**

**Урушнинг оти ўчсин,
Юртимга ҳасад
Кўзи-ла боққанлар кўр -
басир бўлажак!
Мард майдонда
билинур,
топди бу исбот,
Элини таҳликага
қўюр қай эрка!
Келгуси авлодларга
осуда ҳаёт,
озод ва обод Ватан**

**қолиши керак.
Даъвойингиз йўқ эди
Қаҳрамонликка,
Яшашдан умидингиз
кўп эди бешак...
Сиз шаҳидсиз,
бердингиз
жон омонликка,
Эл ичра боқийдирсиз -
тириксиз, демак.**

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Халқаро террорчилар Ватанимизга таҳдид со-лаётган бир пайтда ҳар бир фуқаро хушёрлик бу Ватанни асраш, мил-латни асраш эканлиги-ни қалбдан ҳис қилиши ёвни даф этишнинг куд-ратли омилidir. Халқ-имиз Юртбошимиз раҳ-наомлигида катта орзу-умидлар билан яшамок-да. Не бахтки, биз ҳур Ўзбекистонни буюк қилиш ғояси остида ягона куч бўлиб бир-лашдик. Бу кудратли кучни тарқатиб бўлмай-ди. Унга қарши турган-лар яқсон бўлади. Сур-хондарёнинг Узун ва Сариосиё туманлари

балад тоғ-дараларида қақшатқич зарбага учра-ган, боши янчилган яра-мас террорчиларнинг аянчли қисмати бунга мисолдир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация-си Кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш қатнаши-лари жангариларнинг шум ниятлари, ёвузлик-ларини қаттиқ қоралади-лар. Энг масъулиятли, синов дамларида милли-он-миллион аъзоларига суянган ҳолда ҳар бир

Касаба уюшмалари овози ЁВУЗЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

корхона, муассаса, таш-килотда, илм даргоҳла-рида, маҳаллаларда хушёрликни янада оши-риш, соғлом, ўзаро та-лабчанлик мухитини му-стақкам қарор топтири-шга даъват эдилар. — Терроризмга соғлом кучлар зарба беради, — дея таъкидлади йиғи-лишда Металлургия ва машинасозлик sanoати ходимлари касаба уюш-маси Марказий кўмита-си раиси Ш.Одилов. — Биз — энг оммавий жа-

моат ташкилоти вакилла-ри ҳам бузғунчи кучлар-га қарши мурасосиз ку-рашамиз. Бу тармоғи-мизга қарашли корхона-лар ишчи-хизматчилари-нинг фидокорона меҳна-ти, ташаббускорлигида ҳам ўз ифодасини топ-моқда. Ёвузларнинг ни-дояти тинчлигимизга раҳна солиш, осуда ҳаётимиз-ни бузиш. Бундайларга асло шафқат йўқ! — Ватан туйғусини, миллатимизнинг мусаф-фо орзуларини дилдан

Ровийлар шундоқ ривоят қиладилар. Ёғий билан бўлган жангларда баҳодир бир йигит доимо саф-нинг олдида бўлибди. Унга на ёвнинг ўқи, на тиги таъсир этибди. Душман лашкарбошиси машварат чақирибди.

— Баҳодир агар яна икки кун шундай жанг қилса ҳолимиз хароб, - дебди у. - Қандай бўлмасин уни йўқ қилиш чорасини ўйланг.

Қора ниятли сеҳргар бу сўзни эшитиб, ўйга то-либди.

— Уни энгилш мушкул, - дебди у ниҳоят. - Баҳо-дирни энгилмас қилган юрт муҳаббати. Унга фақат-гина юртини шундай севган баҳодиргина бас кела олади.

Не-не паҳлавонлар баҳодирга рўбарў бўлибди-лар. Лекин унга таслим бўлишдан ўзга илоҷлари қолмабди. Паҳлавонга ҳатто захарли ўқлар ҳам таъ-сир қилмабди. Нега десангиз, унинг белига боғ-ланган бир қафт тупроқ бало-қазолардан асрабди.

Ёғий энгилдики? - дебди баҳодирга таслим бўлган лашкарбоши.

— Чунки сенда муқаддас мақсад, туйғунинг ўзи йўқ, - дебди баҳодир. - Ватанингни севганингда ўзга юртларга қилич кўтариб келмасдинг.

Ватан туйғуси! Бу муқаддас туйғу иймонли, эти-қодли одамларга бўлади. Ҳадиси шарифлардаги «Ватанин севмоқ иймондандур», деган муборак ка-лимани эсланг. Юрагида эътиқоди, диёнати, ория-ти бор одамдагина Ватанни севишдек туйғу жўш уради.

Сенинг мардона ҳалок бўлганингни эшитган ушбу ривоят ёдимга тушди, Бобуржон, укажоним! Эсла-дим у кул деган машъум ўйинчоқни илк бор яса-ган инсонга ҳам, уни отган кимсага ҳам лаънатлар ўқидим.

Ватан деган сўзнинг асл моҳиятини, қадр қим-матини, улуглигини англаш учун баъзан бир умт камлик қилади. Бобуржон, сенинг эса поғнига ет-маган умринг бунга кифоя қилди. Гоҳида «Ватан, сен учун жон фидо қиламиз», деган сўзни баралла айтиб юбораверамиз. Унинг салмоғини, масъулиятини ўйлашга ақлимиз қосир қолади. Бобуржон, сен эса ортиқча бир сўз сўзламадинг, жонингни Ватан озодлиги йўлида қурбон қилдинг. Умринг бир лаҳ-залиқина экан, киприк қоққанча экан. У худди Узун, Сариосиё тоғларининг тошига тегиб, қақнаган ўқ сингари экан. Бу қақноқ сенинги қисқа умрингни ман-гулик шўъласига ўради.

Зангори экранга тикиламан кўзларимдан ёш оқади. Бешта навқирон йигит. Хали ўн гулдан бир гули очилмаган, ўзи ҳам биронта гул бўйини тузук-роқ искаб улгурмаган навқирон йигитлар бугун ша-ҳид кетиб туришибди. Лаблариди мўйлаблари энди сабаза уриб келаётган ўғлонлар.

Тоғ ошиб келганлар биздан нима истадилар ўзи, нима керак ўзи уларга? Тинчгина меҳнатимизни қилиб, насибаимизни териб еб, ажойиб орзулар бил-лан яшамокда эдик. Бугун Узун ва Сариосиёда ўқ овозлари эшитилмоқда. Тўполондарё яна лойқала-ниб, тўлғаниб оқмоқда. Эй, тоғлар, нега ўғлонлар-ни қалқон сингари асрамадсан, жим турбсан, деб ҳайқирмоқда.

Бобуржон, Марғилоннинг лучач шафтоиларини энг сўнгги дамда эсланган бўлсанг, не ажаб. Худди Отабекдек Марғилоннинг бирон Кумушига дил боғ-лаганин, у сенинг йўлингга интизор эканлиги ёдим-га тушса бир оҳимга минг оҳ қўшилади...

Балки, ўғилчангори кўтариб, уни эркалашни, у ҳам сен каби мард, дилбанд бўлишини ниёт қилгандир-сан. Менинг ўрнимни босадиган тойчоғим бўлади, деб орзу қилгандирсан. Афсус, орзуларинг орзули-гича қолди.

Болалигинда қаҳрамон бўлишни орзу қилгандир-сан. Балки ана шу орзу сени ҳарбий либос кийиши ундагандир. Одамлар қаҳрамон бўлиш учун вазият керак, шароит керак дейдилар. Сен кўксингни ёв ўқиға тутганингда қаҳрамон бўлишни ўйлаганингда? Бугун биргина сен эмас, Бобуржон Ганиев, самарқ-андлик Улуғбек Барноев, Маъруфжон Назаров, Сай-ёр Саъдиев, сирдарёлик Алишер Салимовларнинг қони она заминга тўкилди-ю, авлодларининг мангу хотирасида қолди.

Бобуржон, балки сен кўқдаги юлдузларга қараб, уларнинг милтирашига маҳлиё бўлгандирсан. Бугун эса ўзинг юлдузга айландинг. Мангу, сўнмас юлдуз бўлиб қолдинг.

Бугун биз сўзламайлик, бугун ушалмай қолган ор-зулар сўзласин. Оналарнинг қарғиси душманларни тутуши шак-шубҳасиз. Лекин беш қаҳрамоннинг она-си зор-зор йиғламайди. Чунки улар қаҳрамоннинг она-си.

Ватандошим беш қаҳрамонга таъзим эт. Балки бизнинг кўксимизни нишонга олган ўқ уларнинг ҳаётига зомин бўлгандир. Қабоҳат элчиси бўлган бу ўқлар умуман ер юзидан йўқ бўлиб кетса қаний-ди.

Ўзбекистон — марду майдонлар юрти. Эй, беш ўғлон, руҳи локингизга таъзим!

ВАТАН УЧУН ЎЛМОҚ ЯШАМОҚДИР

АБДУЛЛА АКАНИНГ ЎҒЛИ

(Боши 1-бетда)

ни ҳам болаликдан спортга қизиқтирди. Кураш тўғрисида катнашиб чиниқан болалар соғлом, бақувват бўлиб улғайди. Икковининг ҳам фойдасига ахиргача келди. Улуғбек мактабда ўқиб юрган кезлари шаклланишга улғайди. Икковининг ҳам фойдасига ахиргача келди. Улуғбек мактабда ўқиб юрган кезлари шаклланишга улғайди. Икковининг ҳам фойдасига ахиргача келди.

Улуғбек ҳар гал Каттақўрғонга келганида кўча-кўйда маҳалла болалари ўраб олишар эди. Унинг ҳарбий форма ярашиб турган қадди-қоматиға ҳавас билан қарашарди. Болакайлар Улуғбекнинг шиша идишни боши билан уриб синдиргандини телевизорда кўришгани ҳали-ҳали фахрланиб айтиб юришарди.

Яқингинада Сабоҳат опа келин тушириш ниятида ўғлини кистовга олган, Улуғбек эса маъшуқасига кўнграқ қилиб, тез орада тўйларни бўлишини айтган эди.

Беш ўзбек йигити қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Аммо улар Ватанимиз, халқимиз эрки ва озодлиги йўлида фидо этган жонлари завоқил минглаб ватандошларини катта кулфатдан сақлаб қолди.

Уйғун РЎЗИЕВ,
УЗА МУХБИРИ,
Самарқанд вилояти.

(Боши 1-бетда)

«ЮРТМИЗ КОРИГА ЯРАДИ...»

берарди. Ақаси Тўлқин эса чинаяк ҳарбий - ҳаво кучлари десант офицери. Табиийки, булар ёш Маъруфжоннинг ҳарбий формаси кийишга иштиёқини янада оширган. Унинг назарида, ҳарбий бўлишнинг асосий шартлари - жисмонан соғломлик, чаптастик ва сергаклик эди. Шу боис у ўрта мактабни тугатган, ўқишини Самарқанд шаҳридаги жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган коллежда давом эттирди. Бу ерда у эркин кураш бўйича спорт устаси номзоди мактабини олди. Сўнг ҳарбий хизматга жўнади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўзи орзу-хавас қилган жанговар бўлиналарда ўтади. Кўплаб ҳарбий-техник машғулотларда марҳумнинг намоёиши эди. Бу ерда у эркин кураш бўйича спорт устаси номзоди мактабини олди. Сўнг ҳарбий хизматга жўнади.

Мумкинча ака бошқа гапиролмади. Унинг шу тоғди аҳволини тасвирлаш қийин. Оилага шум хабар етиб келган кун бундан қишлоқ икки фарзандини ҳарбийга жўнатган Аҳмад ака аззолари, айниқса, ҳарбий ҳаётини яхши биладилар.

шу жараёнда чиниқан ақаси ва тоғаси жуда хурсанд бўлди.
- Жияним Маъруфдан кўнграм тўқ эди, - дейди М.Ҳамроалиев. - У никоҳоташа, ҳарбий бўлишнинг асосий шартлари - жисмонан соғломлик, чаптастик ва сергаклик эди. Шу боис у ўрта мактабни тугатган, ўқишини Самарқанд шаҳридаги жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган коллежда давом эттирди. Бу ерда у эркин кураш бўйича спорт устаси номзоди мактабини олди. Сўнг ҳарбий хизматга жўнади.

Мумкинча ака бошқа гапиролмади. Унинг шу тоғди аҳволини тасвирлаш қийин. Оилага шум хабар етиб келган кун бундан қишлоқ икки фарзандини ҳарбийга жўнатган Аҳмад ака аззолари, айниқса, ҳарбий ҳаётини яхши биладилар.

Мумкинча ака бошқа гапиролмади. Унинг шу тоғди аҳволини тасвирлаш қийин. Оилага шум хабар етиб келган кун бундан қишлоқ икки фарзандини ҳарбийга жўнатган Аҳмад ака аззолари, айниқса, ҳарбий ҳаётини яхши биладилар.

вазирли ва маҳаллий ҳоқимият вақиллари етиб келди. Йиғилганлар катта сержант Маъруфжон Ражаповнинг ота-онасига, қариндош-уруғларига, ақасига чуқур ҳамдардлик билдириди. Дафн олдидан бўлиб ўтган мотам маросимида террорчи гуруҳларнинг тажовузокорона қилмишлари қаттиқ қораланди, халқимизнинг гулдек фарзандлари ҳаётига зомин бўлган бундай қонхўр тўдаларни битта қўймай қириб ташлаш лозимлиги таъкидланди. Жасур аскар урф-одатимизга ва ҳарбий аъноналарга мувофиқ юксак иззат-иқром билан дафн этилди.

- Ҳарбий бўлиш осон эмас, - дейди Маъруфжоннинг отаси Аҳмад ака. - Аввало, шу соҳани танлаб, ҳарбийлик либосини кийётган ҳар бир киши тақдирини нима ёзилган бўлса, шунга кўнади. Ўғилларим Тўлқин ҳам, Маъруфжон ҳам шу соҳани танлаганларида, ҳарбий хизмат машаққатли ҳаётнинг турли хавф-хатардан ҳоли эмаслигини, албатта, ўйлаб қўришган. Уларнинг ортида эл-юртимизнинг халқимиз хотирчаллиги турбди. Бунга Маъруфжон ўғлини жуда яхши

хис этарди. Унга ҳарбий лилоқ қабристонга кўришиб турибди. Кечагина шу кўчани чағитиб, чопқиллаб юрган кенжа ўғли бу гун ўн гулдани бўлиб очилмай қабристонда ётибди. Қандай чидасин! Шунинг учун у, лозим бўлса, террорчи тўдаларнинг кулини кўкка совуриш учун ўзим ҳам қўлимга қурол оламан, дейди.

Устак ДўСТЁР,
УЗА МУХБИРИ,
Самарқанд вилояти.

қилса, кўча адоғида қишлоқ қабристонга кўришиб турибди. Кечагина шу кўчани чағитиб, чопқиллаб юрган кенжа ўғли бу гун ўн гулдани бўлиб очилмай қабристонда ётибди. Қандай чидасин! Шунинг учун у, лозим бўлса, террорчи тўдаларнинг кулини кўкка совуриш учун ўзим ҳам қўлимга қурол оламан, дейди.

Аҳмад акага, айлига, қариндош-уруғларига бир ҳол тасалла берди: ўғли Маъруфжон беҳуда ҳалок бўлганини йўқ. Ватанимизнинг, халқимизнинг қорига яради. Унинг бошига ташвиш тушганида қилмишини кўрсатди - эл-юрти учун жонини берди. Айримларга ўхшаб турли оқимлар таъсирига берилгани, Ватанига хоинлик қилиб, беғуноҳ одамлар қонини тўқнади, ота-онасини шарманда-ю шармисор қилгани йўқ!

Маъруфжондай жасур ва йомоли фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг отаси, онаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этатмайди.

Устак ДўСТЁР,
УЗА МУХБИРИ,
Самарқанд вилояти.

қилса, кўча адоғида қишлоқ қабристонга кўришиб турибди. Кечагина шу кўчани чағитиб, чопқиллаб юрган кенжа ўғли бу гун ўн гулдани бўлиб очилмай қабристонда ётибди. Қандай чидасин! Шунинг учун у, лозим бўлса, террорчи тўдаларнинг кулини кўкка совуриш учун ўзим ҳам қўлимга қурол оламан, дейди.

Аҳмад акага, айлига, қариндош-уруғларига бир ҳол тасалла берди: ўғли Маъруфжон беҳуда ҳалок бўлганини йўқ. Ватанимизнинг, халқимизнинг қорига яради. Унинг бошига ташвиш тушганида қилмишини кўрсатди - эл-юрти учун жонини берди. Айримларга ўхшаб турли оқимлар таъсирига берилгани, Ватанига хоинлик қилиб, беғуноҳ одамлар қонини тўқнади, ота-онасини шарманда-ю шармисор қилгани йўқ!

Маъруфжондай жасур ва йомоли фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг отаси, онаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этатмайди.

Устак ДўСТЁР,
УЗА МУХБИРИ,
Самарқанд вилояти.

(Боши 1-бетда)

Бир нарса кўнграмла таскин беради: узунликлар тушқулликка берилмай, турли миш-мишларга парво қилмай мекнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳушёрлик бу Ватани асраш, миллатни асраш эканлигини қалбдан ҳис қилмоқда. Ж.Эшмирзаев номли ширкат ҳўжалиги деҳ

УЗУНЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

қонлари гектаридан 41 центнердан дон йиғиштириб олдилар. «Хурсанд» жамоа ҳўжалигида ҳам дала ишлари одатдагидек кетаяпти. Турғун Сатторов, Робия Бегматова, Гулнора Юлдашова, Қумуш Шукурова, Хадича Норқоблова каби фидойилар тадбирлари сифатли бажариб, ҳўсилга-ҳўсил қўшишмоқда.

Қоро тегра ботиб ишлагайлик бригадани бундан кўнграмла қўришмоқда. Қараев билан суҳбатда бўлди.

- Шу кўнграмда томоғимдан овқат ўтиши қийин бўлганда, виждоним қийналаяпти, боиси биздан 120 километр чамаси нарида Ватанимизнинг мард ўғлонлари террорчилар билан жанг қилмоқдалар. Қани энди имкон берилса, қўлимга қурол олиб газандарларни ер тишлашсан, - дейди у. - Қишлоқимиз йиғитлари шай турибди. Лозим бўлди дегунча ҳар биримиз курашга отланамиз. Ҳўзирча душман билан далада туриб курашаяпман. Бу йил пахта ҳўсилдорлигини 5 центнерга оширам.

Сардор фикрини тракторчи Абдусалом Ҳудойназаров, илғор ғаллакорлар Урол Мамасолиев, Соатли Ҳайдаров, ёшлар мураббийлари Йўлдош Алимардонов, Улуғбек Самадов ҳам қўллаб-қувватлашди. Айниқса қишлоқнинг энг баобўр қишлоқидан бири Кенжабой отанинг сўзлари барчанинг қалбидеги бир ноли бўлиб янгради: бир нолик кезларда маҳалла, жамоатчилик, ҳар бир фуқаро ўта ҳушёр бўлиши лозим. Зеро, лоқайлик, ўзибўларчилик ҳинойтта тенгдир.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири,
Узун тумани.

«НАБИРАМ ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛДИ»

(Боши 1-бетда)

катнашиса бўлса, Тожиқўзи Болтабоевни Мирзақўда танимайдиган одам йўқ.

Нортожон ҳам, унинг фарзандлари ҳам уйига қўллаб-қувватлаб фахрланишарди. Қаҳрамон деган номга муносиб бўлиш керак. Улар ҳар жиҳатдан отасига тақлид қилишга интиларди. Отаси эса меҳрибон ва жонкуяр бўлса, уларга нисбатан таллабчан эди. Болаларидан қаттиққўллик билан қийдагиларни талаб этар эди: ростўй, адолатли бўлиш, ҳеч қачон биронини қалқон қилмаслик. Ҳарбий хизматни эса эркакларга энг муносиб ҳасб деб биларди...

Ха, Тожиқўзи бобонинг ўзи 1939 йилдаги финлар билан урушга кетганича, 1940 йилларнинг охирига қадар жангаларда қатнашган. Эсида бор, дўстлари нафақага чиққанда ҳазиллашган эди: Меҳнат Қаҳрамон қандай қилиб ишиси эсиради, деб. Тожиқўзи бобо эса шундай деб жавоб қайтарарди: «Ҳали кўрасиз, невараларимни қаҳрамон қилиб тарбиялайман». Алишерни эса ўзгача меҳр билан яхши кўрар эди. Доми ўзи билан олиб юрар, кунора уйинчоқ олиб берар эди. Неवारаси катта бўлган, ҳарбий билим юртга ўқишга киришини маълум қилди. Бобо барча харажатларни ўз зиммасига олди. Алишер Самарқанд олий ҳарбий автомобил билим юртини аъло баҳола билан тамомлагани ҳақидаги хабарини бобо синфдошлари ҳам кўз ёшларини тўхтаста олмасди. Шамил ҳам ҳарбий зобит.

вараларига ўқиб эшиттирди. Икки ой бурун эса Алишер бобосига телефон қилиб, муддатидан олдин катта лейтенант унвонига сазовор бўлганини айтиди ва ҳазиллашиб суюнчи сўради. Яна бир ойдан кейин, 22 июл кунги уқаси Далиёрнинг туғилган кунига етиб келиб, ҳаммани қувонтирди. Барча соғва-саломлар улашди. Нортожон ҳам унча қувонч билан қўйилган катта қизи Лайло, ҳарбий кийимдаги Алишер ва шўх-шодон Далиёрни бирга қувонб ўтиргандини кўриб, қувончдан кўзига ёш қолди. 23 июл кунги эса Алишер улар билан хайрлашиб, ҳарбий қишлоқга қайтиб кетди. Уни кузатишга ўртоқлар ва синфдошлари тўпланди. Кечкурун Алишернинг яқин ўртоғи Шарофжон Ширқуллов уйга келиб, ҳазиллашиб «рапорт берди»: «Катта лейтенант Алишер Салимов Ватан хизматига жўнаб кетди!»

...Ўглининг ўлими ҳақидаги хабарини Нортожон ома индамай эшитди, ичидаги фарёнди ташқарига чиқариб қишлоқга қайтди. Ҳарбий хизматчилар уйга ўғлининг жасади солинган тобутни олиб киргандагина, у ўқраб тобутга ёпишди. Далиёр ҳам ақасини йўқлаб, фарёд чеқди. Қариндош-уруғ, кўни-қўшини, дўст-биродарлар тўплана бошладилар.

Дафндан олдин бўлиб ўтган митингда Алишернинг синфдоши Эрнест Исҳоқов шундай деди:
- Алишер яхши дўст, мард инсон, синфимиздаги энг хушқалқаб йиғит эди. Саша Пресняков, Тая Бугрова, Нарғиза Раҳмонова ва, Улуғбек Райимжанов, Шамил Зарипов каби синфдошлари ҳам кўз ёшларини тўхтаста олмасди. Шамил ҳам ҳарбий зобит.

ТЕРРОРЧИЛАР - ТАЛВАСАДА

Сариосиё. (УЗА мухбирилар Мусулмон Назозов ва Чорн Тўхтаев хабар қилди). Сариосиё ва Узун туманларнинг тоғли худудларида кўнграм тоғли террорчиларнинг қолган қутқиларини бартараф этиш борасидаги операция давом этмоқда. Босқинчиларнинг асосий кўчалари жойлашган Қиштут қишлоғи яқинида 12 август кунги ўтказилган тўзалаш операцияси пайтида террорчилардан яна бир гуруҳи ер тишлади. Жон таслим қилиш фўрсати яқинлашаётганлигини террорчиларнинг ўзлари ҳам эътироф эта бошладилар. Қўмондонликдан маълум қилдиликларча, босқинчилар ҳориждаги «ҳўжайинлари» билан очикқасига алоқага чиқиб, «Биз таном бўлдик! Ортиқ дош беролмаймиз!» дея талвасаса тушмоқда. 11 августдан 12 августга ўтар кечаси Саринова қишлоғи ёнида душманнинг катта микродора қурол-яроғ, ўқ-дори ва озик-овқат омбори аниқланди. Жон талвасасида ҳимояга ўтган террорчилар омбор билан бирга яқсон қилинди.

никадан мохирлик билан фўйдаланмоқда. Аввало душман турган ҳил аниқланиб, сўнг вертолётлар орқали ва минаметлардан аввасиз ўққа тўтилмоқда. Сўнг аскарлар бориб тозалашни ниҳоясига етказди. Бу тактика тўғрисида жангчиларимиз сафидан қўнграм бериш ва ярадор бўлишларнинг олди олиномоқда. Шундай пайтда хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларининг Сариосиё ва Узун туманларидаги шифохоналар «раддорлар билан тўлиб кетганлиги» тўғрисидаги ёлгон хабарлар тарқатилгани, беозор қилиб айтганда, қишини жуда ажаблантирди. Биз республика Шойинчиқ тиббий ёрдам маркази Сариосиё тумани бўлимида бўлганимизда, у ерда даволанаётган бир ҳарбий хизматчини кўрдик. Икки ишлар тизимида хизмат қилаётган яна икки ходим ҳам шу ерда муолажа олаётган экан. Улардан бирининг қолдан йилқилганда болдир суяги лат ёган бўлса, қолган иккитаси каттиқ шомолаган. Шифохонда уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. (УЗА).

(Боши 1-бетда)

ЭР ЙИГИТ ЭЛИНИ АСРАР

тажрибали командирлар қаторида лейтенант Сайёр Саъдийон ҳам иштирок этиб, халқимиз оқошишталлигига раҳна солишга уринган террорчиларнинг ёвуз ниатларини чилпарчин қилганини кўнграмла яхши биларди.

Сайёрнинг отаси Саид ака 1982 йилда бахтсиз ҳодиса - автомобиль ҳалокати тўғрисида вафот этди. Тўрумуш ташвиши, фарзандлар тарбияси ёлғиз она гардинда қолди. Шифоқорликке хай-ҳали касб тўғрисида нон топган аёл болаларини ҳам ҳалол, бўлашарли қилиб вояга етказди. Фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топди. Тўнғичи Бахтиёр, қизлари Нарғиза ва Мадина шифоқорликни, кенжақайи Жашид инженерлик касбини танладилар. Ўртақчиси Сайёржон бошқача чиқди. Мактабни битирдию, армия сафиға жўнади. Аскарлар орасида чаққонлиги, бақувватлиги, иродаси мустақамлиги билан алоҳидида кўзга ташланган йиғит хизматдан сўнғ ўз хоҳиши билан яна ҳарбийлар сафида қолди. Машқларда

тобланиб, ҳарбий унвони ҳам олиб борди.
Ушанда у уйдагиларга, қўни-қўшилларга сафар тасурутларини тўлқиллаб сўзлаб берган, ҳеч қандам қамимиз йўқ, дея гуруллаган, кейин эса ёқимли қуллаб, қани, бу гапни қим айтган эди, дея савол-жавоб турт баҳорини қўрган фарзандини қабрга қузатди. Самарқанддан Қақнус каби ловуллаб учган қўш яна Самарқандга қайтиб, Жом қишлоғидаги отасининг қабири ёнидан мангу макон топди. Мен Сайёржонларнинг Богиймоғлини хонадонларида бўлганимизда, Розия опа Жомдан ҳали қайтмаган эди...

Армияда Сайёр ака бизга командирлик қилган, - дейди Пастдаргом туманидан келган Зоҳид Йўлдошев. - Сайёр ака қисмигимизда энг кўзга кўринадиган офицерлардан эди. Айниқса, машқ пайтлари ҳаммамиз у кишиға ҳавас қилардик. Уша пайтдаёқ қалин ака-ука бўлиб қолган эдик. Эр йиғит элони асрайди, йиғит киши ориятли бўлиши керак, дея қўп

Гўё осмон узилиб тушди. Қавму қариндошлар, ёру биродарларнинг юракларини эзилди.

Бир қанотидан айрилган Розия опанинг фарёдида қишлоқ юм-юм йиғилди. Ўғил уйлантираман, тўй қиламан, деб йиғиниб юрган она эндигина йиғирма турт баҳорини қўрган фарзандини қабрга қузатди. Самарқанддан Қақнус каби ловуллаб учган қўш яна Самарқандга қайтиб, Жом қишлоғидаги отасининг қабири ёнидан мангу макон топди. Мен Сайёржонларнинг Богиймоғлини хонадонларида бўлганимизда, Розия опа Жомдан ҳали қайтмаган эди...

Армияда Сайёр ака бизга командирлик қилган, - дейди Пастдаргом туманидан келган Зоҳид Йўлдошев. - Сайёр ака қисмигимизда энг кўзга кўринадиган офицерлардан эди. Айниқса, машқ пайтлари ҳаммамиз у кишиға ҳавас қилардик. Уша пайтдаёқ қалин ака-ука бўлиб қолган эдик. Эр йиғит элони асрайди, йиғит киши ориятли бўлиши керак, дея қўп

гапирарди. Сайёр ақанинг ҳалок бўлганини эшитиб, юрагим музлаб кетди. У кишининг тўйларига келаман, деб ният қилиб юрардим.

Сайёржон тўй орузида яшяётган эди. Яқинда таътилға чиққанини, Тошкентда яши қўрган қиз ҳам борлигини маълум қилганди.

У Ватан ҳимосини муқаддас билди. Тинч ҳаётимизни, мамлакатимиз равнақини қўрқолаётган босқинчи тўдаларға қарши курашишға ҳаммаша таяёр эди.

Уйғун РЎЗИЕВ,
УЗА МУХБИРИ,
Самарқанд вилояти.

«ФАРЗАНДИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН...»

(Боши 1-бетда)

бўлди. Энди уларнинг биттиси йўқ...
Марғилонга, ўғилдан ажралган онанинг ҳузурига бориш жуда қийин эди.

Минавар опа иродали аёл, - деди Марғилон ҳўқими Аъзамжон Акрамов. - Бир тасаввур қилинг-а, у бошқаларни ҳам қўллаб-қувватлашға қўп топмоқда. Уқасининг жасадини олиб келган катта ўғлиға Минавар опа қўлдандан келганга таскин бермоқда. Баҳодир остонага қадам қўйиши билан онасига мурўжаат этиб, шундай деди: «Кечиринг, она, уқамни асрай олмадим». Она эса: «Бунда сенинғ айбинг йўқ, ўғлим, - деб жавоб берди. - Тўрттала ўғлим ҳам ҳарбий хизматга жўнади, оқ фотиҳа берганимиз, мен бунни яхши тушунган эдим...»

Вақт алламаҳал бўлишиға қарамай, Фаниевлар яшяётган қўп қаватли уйнинг ҳўлисида одамлар гавжум.

ўз-ўзимға шундай дейман: ўғлим қанчалик ёш бўлмасин, умри зое кетмади. Ўғлимға берган оқ сўтимдан розиман. Ўғлим кўча-қўйда безорилик қилиб, биров билан муштлашиб оламдан ўтгани йўқ. Ватанини, халқини ҳимоя қилиб, жонини фидо қилди.

Мен худодан розиман. Икки ўғлим ҳарбий хизматчи тинчлигини ҳимоя қилиш учун чегаарга юборишға таяёрман. Президентимиздан, ҳукуматимиздан розиман.

Сўнғи марта уни бир ой аввал - июл ойининг бошида қўрган эдим. Айтган эдимки: онажон, мен қаерда бўлмай, мен ва дўстларим ҳаммаша сизларнинг оқошишталлигига тинчликни ҳимоя қилиш учун чегаарга юборишға таяёрман. Президентимиздан, ҳукуматимиздан розиман.

Сўнғи марта уни бир ой аввал - июл ойининг бошида қўрган эдим. Айтган эдимки: онажон, мен қаерда бўлмай, мен ва дўстларим ҳаммаша сизларнинг оқошишталлигига тинчликни ҳимоя қилиш учун чегаарга юборишға таяёрман. Президентимиздан, ҳукуматимиздан розиман.

Ахир, Бобуржонни ёдлаб йиғлашим эмас, Ватаннинг мард ҳимоячисини қилиб тарбиялаб олганимдан фахрланишим керак.

Олдимға келаятган одамларнинг ҳаммасига ҳам шундай дейман. Агар ўғлим йўлддан адашган, ноқобил фарзанд бўлса, қотил ва хиёнатор бўлса, уни ўлимидан изтироб чекишим мумкин эди. Бироқ Бобуржон бекорға ҳалок бўлгани йўқ. Унинг дафн маросимида кўрсатилган иззат-иқромни кўрсанғиз эди. Уни сўнғи йўлга қузатишға бутун шаҳар, вилоят ва республикадан одамлар келди. Мудоғфаа вазири ҳам қатнашди. Уша қўни қанчадан қанча илиқ ва самимий сўзлар эшитдим. Ватандошларим мени ёлғизлатиб қўймаслиғига ишончим қимил...

Дарҳақиқат, онанинг бу гаплари адолатли. М. Фаниеванинг хонадониде бўлган хандамлардик билдириб келаятган одамларнинг қадими зулмас эди. Хурматли оқсоқолларимиздан бири эса шундай деб маслаҳат берди: Бобуржон ҳақида ёзадиган бўлсанғиз, албатта онасини ҳам эслаб ўтинг. Бобуржоннинг қаҳрамон бўлиб вояга етишишда фарзандларини муносиб инсон қилиб вояга етказган Минаваржоннинг

хизмати катта.

Минавар опа 40 йилдан ортиқ маориф соҳасида хизмат қилади. Ўз меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаб, Марғилон шаҳрининг намунали мактабларидан бирига айланган ўқув масқанида директорлик қилган. Ҳозирги кунда нафақада бўлса ҳам, амалий санъат лицейида ишламоқда.

Бобуржоннинг катта ақаси Баҳодиржон шундай деди:
- Сурхондарё вилояти чегарасидаги воқеалар бошланган пайтда мен ҳам хизмат юзасидан ўша ерда эдим. Укам Бобуржоннинг ҳам шу ерда эканлигини хабарим бор эди. Сўнгра менға унинг ҳалок бўлгани тўғрисидаги мудоғфаа ҳўзирга етиб келди. Командир билан суҳбатлашганимизда, унинг сўнғи дамгача курашганини билдим. Бобуржон оғир ярадор аҳволда ҳам ўқ отишдан тўхтамаган. Командирнинг айтишича, Бобуржоннинг автомати биринчи бўлиб ўқ ота бошлаб, охири бўлиб тўхтаган. Уқамнинг баданида саккизта жароҳат изи бор.

Командир менға Бобуржоннинг шахсий буюмларини топширди. Унинг қўрқак чўнтағида иккита сурат - отамнинг ва севган қизининг расми бор эди. Маълум бўлишича, Бобуржон сентябрда таътилға чиқиб, уйланмоқчи экан.

Энди бу ушаймайдиган орзуға айланди. Инсон қиёфасидаги ваҳийлар ёш йиғитларнинг умрига зомин бўлди. Зеро, улар ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган нотаован кимсалардир, айбиз одамлар бошиға қулфат ёдғиридан бошқасига ярамайди. Ҳалок бўлган йиғитларимизнинг номини буғун бутун мамлакатимиз ва бошқалар ҳам таниди. Ҳеч шубҳасиз уларнинг номлари муқаддас ва абадийдир. Террорчиларнинг номини эса қим ҳам эсга олади. Улар абадул-абад ҳалқ қаҳриға қолди.

...Ҳайрлашув чоғида Фаниевлар хонадониде яна бир муҳим гап айтилди: Бобуржон ва унинг ўртоқлари каби мард ва иродали инсонлар бор экан, халқимиз хотиржам бўлиши мумкин. Тинч ва оқошишталли хайтимизни қўра олмаётган ҳар қандай расил куларни биргалликда даф этамиз. Бунга нима деб қўшимча қилиш мумкин?.. Ватан озодлиғи, юрт тинчлиғи учун жон фидо қилган қаҳрамонлар хотираси мангу яшайди!

Назира ХўЖАЕВА,
УЗА МУХБИРИ,
Фарғона вилояти.

Саволларга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

(Давоми. Боши ўтган сонда)

17. Аввал ишлаб, сўнг бир йил ишлаган шахс ишга жойлашмоқчи бўлган тақдирда ундан турар жойидан маълумотнома (справка) олиб келишни талаб қилиши тўғрими?

Юқоридagi саволларда айтилганидек, ишга қабул қилишда талаб қилиниши мумкин бўлган ҳужжатлар рўйхати Меҳнат Кодексининг 80- моддасида санаб ўтилган. Бу моддада кўрсатилишича, ўн олти ёшга таълим бўлмаган шахслар ишга қараётганларида маъмуриятга тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга турар жойидан маълумотнома ҳам тақдим этишлари шарт. Айнан шу талабларга унинг бундай шарт қўйилишининг боиси - уларда паспорт бўлмади, бу эса иш берувчини уни турар жойини аниқлаш имконидан маҳрум қилади. Ўн саккиз ёшдан юқори ёшлардаги шахслар паспортда уларнинг турар жойлари ҳақида маълумот бўлади. Биз биланмики, «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими ҳақидаги Низом»га мувофиқ пропискида ишга қабул қилиш мумкин эмас.

Энди ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўн саккиз ёшдан катта, улар аввал ишлаган, ишлаганидан, аввалги ишдан бўшаганларидан сўнг орадан қанча вақт ўтганлигидан қатъий назар уларнинг яшаш жойидан маълумотнома талаб қилиш ноқонуний ҳисобланади.

18. Ишга жойлашаётган шахсдан саломатлиги ҳақида маълумотнома талаб қилиниши тўғрими?

Агар ишга жойлашишда қонунийликка ёки меъёрий ҳужжатларга биноан шундай маълумотнома тақдим этилиши шарт бўлса - тўри, акс ҳолда нотўри бўлади.

Хўш, қандай ҳолларда ишга қараётган шахс саломатлиги ҳақида маълумотнома тақдим этиши шарт?

Авалло ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилаётганда шундай маълумотномалар талаб қилинишини ёдда тутаю.

Умумий оқватлиши корхоналарига бевосита ёки билвосита оқват тайёрлаш жараёнига тааллуқли ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларга қабул қилинаётганлардан, олтимиш ёшга тўлган эркаклар, элик беш ёшга тўлган аёллар, ногиронлар, меҳнат шароити ноқулай ишларда, туғми ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар, умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари ишга жойлашаётганларида саломатликлари ҳақида маълумотнома тақдим этишлари шарт.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва дастлабки тарзда ҳамда вақти-вақти билан тиббий кўридан ўтиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва тиббий кўридан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган тоифадаги ишларга жойлашмоқчи бўлганлар соғлиги ҳақида маълумотнома тақдим этмасалар уларни ишга қабул қилишга йўл қўйилмайди.

19. Меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйган одамни ишга қабул қилса бўладими?

Қонунийликда белгиланган тартибга қўйиб ишга қараётганлар маъмуриятга меҳнат дафтарчаларини тақдим этишлари керак. Меҳнат дафтарчасини ишга жойлашиш ҳуқуқи билан бор меҳнат фаолиятини бошлаётганлар эгадирлар. Айни пайтда бирон бир қонун ҳужжатида «меҳнат дафтарчаси бўлмаса ишга қабул қилинади» деб ёзиб қўйилган эмас. Қанда бўлиши меҳнат дафтарчасини йўқотган одамни ишга қабул қилиш мумкин. Меҳнат дафтарчаси ходимнинг иш стажини таъдирловчи ҳужжатгина ҳалос. Шундай экан, ходим ўз меҳнат стажини тўқнашни ихтиёр қилмаса уни зўрлаш мумкин эмас. Тахрибатда шундай ҳол юз берганда маъмурият унга (агар у беш кундан кўп ишласа) янги меҳнат дафтарчасини очилишга мажбур бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, кўлингиздаги китоб наўрагга тайёрланаётганда Республикада амал қилган «Меҳнат дафтарчаларини юргизиш ҳақидаги йўриқнома»да ҳам, меҳнат ҳақидаги қонунчилик ҳам «Меҳнат дафтарчаси фақат битта бўлиши мумкин» деб белгилаб қўйилмаган.

20. Меҳнат шартномаси билан контрактнинг фарқи борми?

Меҳнат шартномаси билан контрактнинг ёки меҳнат битимини бир-бирларидан фарқлаш учун уларнинг номларига эмас, балки шартномаларнинг мазмунига этиборни қаратиш керак.

Дастлаб «Меҳнат шартномасининг ўзи нима» эканлигини аниқлаб олайлик. Меҳнат Кодексининг 72- модда-

сида кўрсатилишича, меҳнат шартномаси бу — ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, маляка лавозим бўйича ишчи меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви (яъни иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишуви), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишүвдир.

Меҳнат шартномалари (1993 йил 3 декабрда қадр тузилган меҳнат шартномаларидан ташқари, чунки шу санадан ўша даврдаги қонунчиликка ўзгартириш қилинган) ёзма шаклда тузилади. Меҳнат шартномасида тарафларнинг келишуви биноан қўйидагилар белгиланади:

- иш жойи (корхона ёки унинг бўлинимаси);
- ходимнинг меҳнат вазифаси - мутахассислиги, малакаси, ушлайдиган лавозими;
- ишнинг бошланиш куни;
- муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ва унинг амал қилиш муддати;
- меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва тарафларнинг манзиллари кўрсатилади, шу билан бир қаторда иш берувчининг имзоси корхонанинг муҳри билан тасдиқлаб қўйилади.

Мана шу юқорида санаб ўтилган шартларни ўз ичига олган ҳужжатни қандай номлашимиздан қатъий назар, яъни «Меҳнат шартномаси» ёки «Контракт» деб сарлавҳа қўямиз, бари бир унга «Меҳнат шартномаси» деб қаралади.

Амалиётда кўплаб учраб турадиган «Фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларни меҳнат шартномаларидан ажрата билиш керак. Чунки, уларнинг юридик оқибатлари турлича.

Бу икки шартномани бир-бирларидан ажратиш учун асосан қўйидагиларга этибор бериш керак:

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ходим корхонадаги шартлар жаъвалида кўрсатилган муайян лавозимни (иш ўрнини) эгаллайди, муайян бир мутахассислик (касб) бўйича ишлайди, корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунеди. Ходим билан тузилган шартномада бу кўрсаткичлар акс эттирилмасдан унга маълум бир конкрет ишни бажариш топширилса, у фуқаровий -ҳуқуқий шартнома бўлади. Шартноманинг бу турига бир мисол, айтилиш корхонада пайвандчи деган иш ўрни мавжуд эмас. Аммо, ишлаб чиқариш зарурияти билан бирон бир нарсани пайвандлаш ёки бирон бир қурилма ясаш керак бўлиб қолди. Шу ишга четдан бир мутахассис қақрилиб, шартнома тузилиб, унга шу иш топширилди. Шартномада у бажарадиган иш, тўланадиган иш ҳақи, бажариш муддати, ишчи қабул қилиб олиш тартиби ҳақида келишиб олинди. Бошқа (меҳнат шартномаси тушунчаси берилганда санаб ўтилган) кўрсаткичлар акс эттирилмади. Бу шартнома фуқаровий-ҳуқуқий шартномadır.

Энди бундай шартномаларнинг оқибати ҳақида. Фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида иш бажараётган ходим корхонанинг меҳнат жамоаси азоси ҳисобланмайди. Шу сабабли унга корхонада мавжуд бўлган локал ҳужжатлар (жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, турли Низомлар ва ҳ.к.)нинг нормалари таъбиқ этилмайди. Уларга меҳнат таътиллари берилмайди. Агар меҳнатга ҳақ тўлаш шартда ижтимоий сўғурта бадалини тўлаш келишиб олинган бўлса касаллик ва рақаси бўйича нафақа берилмайди, меҳнат низолари меҳнат қонунчилигига асосан эмас, балки Фуқаролик кодекси бўйича қўриб чиқилади ва ҳ.к.

21. Қимлар билан ва қайси ҳолларда меҳнат шартномаси мuddатли тузилади?

Меҳнат кодексининг 76- моддаси иш берувчининг мuddатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини чегаралайди, айнан чегаралайди, таққиламайди. Бу дегани, иш берувчи фақат қонунда йўл қўйилган ҳоллардагина мuddатли меҳнат шартномаси тузиши мумкин. Қайд этилган моддага биноан иш берувчи мuddатли меҳнат шартномасини бажариладиган ишнинг хусусиятларидан, уни

бажариш шартларидан келиб чиққан ҳолда номуайян мuddатга шартнома тузишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда тузиши мумкин. Масалан, иш хусусиятига қўра доимий характерга эга эмас, айтилиш шпатель жаъвалига маълум бир мuddатга у ёки бу лавозим киритилган бўлса бу лавозимга номуайян мuddатга деб шартнома тузиш мумкин эмас. Демак, шартнома муайян мuddатга тузилади. Бошқа мисол, ишчи бажариш шартин, айтилиш ишда вақтинча йўқ (таътилга кетган, касаллик ваърақасида бўлган, ўқишга кетган) ходимни ўрнига ишга қабул қилаётган ҳам шартнома мuddатли тузилади. Шунингдек, ходим ўзи манфаатдор бўлса, яъни ходим ўзи шартномани мuddатли тузиши сўраса (мисол учун, пенсионер пенсиясини тулиқ миқдорда олиш учун икки ойлик мuddатга шартнома тузишдан манфаатдор) ҳам (бунда ишнинг хусусияти ҳам, бажариш шартлари ҳам инобатга олинмайди) шартнома мuddатли тузилади.

Афсуски, амалиётда кўплаб ҳолларда иш берувчилар қонуннинг юқоридagi талабини инобатга олмадан мuddатли шартномалар тузадилар. Таъқидлаш керакки, бундай шартномалардаги, яъни қонунда назарда тутилмаган ҳолларда «фалон йилгача ёки фалон санагача» деб мuddат кўрсатилган банд ноқонуний бўлганиги тўғрйли у юридик кучга эга эмас ва ўз навбатида кўрсатилган мuddат тугаган ходимни ишдан бўшатиш ноқонуний бўлиши таққилага етарли асос бўлади.

22. Бир корхонага айни бир пайтда икки фуқаро ишга қўроқчи бўлиб мурожаат қилган бўлса, иш берувчи қимни ишга қабул қилиши ва қимга рад жавоб бериши қай йўсинда хал этишига ҳақиқ?

Албатта, ҳар бир иш берувчи меҳнатда яши натижа берадиган ходим билан ишлашни ихтиёр қилиши табиийдир. Бирок, иш берувчининг ходимни танлашда қўядиган талаблари топшириладиган ишнинг характерига боғлиқ бўлиши шарт. Мисол учун, иш характерини жиҳатидан хизмат сафарига (командировкага) юриш билан боғлиқ бўлса ва мурожаат қилганларнинг бирини ёши улугроғу, иккинчисиники ёшроқ бўлса, иш берувчи иккинчи ходим билан меҳнат шартномаси тузиши қонунга хилоф эмас.

Безънида ишга қабул қилишдан олдин маълум бир жараёнда босиб ўтиш шарт қилиб қўйилиши мумкин. Масалан олий ўқув юртида кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловдан (конкурсдан) ўтиш керак. Ишга жойлашмоқчи бўлганларнинг қайси бири қилиши шу танлов орқали хал қилиниши бир усул. Бундай танловларни уюштириш масаласини ҳар бир иш берувчи ўзи раҳбарлик қилаётган корхонада мустанқ жорий қилишига ҳақиқ. Аммо бунда эҳтиёткорлик билан иш тутиш мақсадига мувофиқ, Биринчидан, бундай танловлар ўтказиш тартиби ишлаб чиқилган ва раҳбар томонидан таққиланган бўлиши керак. Бу тартибга ходимни қамсатидиган нормалар киритилиши мумкин эмас ва ҳ.к.

Шундай қилиб танлов уюштириш, сайлов белгилаш қабул қилинган танланнинг бир усули бўлса, амалиётдаги дастлабки суҳбат ўтказиш, инг иш қўбилғияти билан танишиш, меҳнат стажларини инобатга олиш қабул қилиниши мумкин.

23. Ишга қабул қилишда ҳаммага ҳам синов ўрнатилиши мумкинми?

Авалло айтиш керакки, ҳозирда амал қилаётган Меҳнат Кодекси аввалги Меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуидан фарқ қилган ҳолда меҳнат шартномасини тузиш чоғида синов мuddатини белгилаш ҳуқуқини ҳар иккала томон, яъни иш берувчи ёки ишга жойлашаётган шахсга беради. Аввалги қонунчиликка биноан эса бу ҳуқуқдан фақат иш берувчи фойдаланиши мумкин эди. Янги қонунда бу ҳуқуқни ҳар иккала томонга берилиши қонунни меҳнат шартномасининг тарафларига тенг муносабатда бўлиб уларга тенг имкониятлар яратишдир.

Меҳнат шартномасини тузаётганда ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлигини, интнзномийлигини, маъсулиятлигини ва бошқа хислатларини (унутмаслик керакки, айнан шу ишга тааллуқли хислатларини назарда тутиш лозим) текшириб қўриш, шунингдек ходим меҳнат шартномасида шартлашланган ишчи давом эттириши қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида, бу меҳнат жамоасига киришиб кетаоладими ёки йўқми, корхонадаги иш режими унга тўғри қелади, иш берувчининг феъл-атвори уни қаноатлантирадими ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан бир қарорга келиши учун вақт белгилаш мақсадига дастлабки синов белгилаши мумкин. Дастлабки синов белгилаш бу —

тарафларнинг ҳуқуқидир, мажбурияти эмас.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида келишилган бўлиши лозим. Шартномада бундай шарт кўрсатилмаган бўлса ходим синовни ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Хомилдор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари (қвота) ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинаётганда, шунингдек олти ой мuddатга ишга қабул қилиш ҳақида ходим билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

24. Камомад учун жиноий жавобгарликка тортилган шахс жазони ўтаб қайтга моддий жавобгарлиги бўлган ишда ишлаши мумкинми?

Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо турлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида белгиланган бўлиб, улар асосий ва қўшимча жазоларга бўлинади. Шахсини у ёки бу лавозимни эгаллашдан, ёхуд муайян бир фаолият билан шуғулланишдан суднинг ҳукми билан маҳрум қилиш ҳам асосий жазо сифатида, ҳам қўшимча жазо сифатида бўлиши мумкин.

Жиноят Кодексининг 45- моддасида айтилишича у ёки бу мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни таққилаш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан беш йилгача мuddатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан уч йилгача мuddатга белгиланиши мумкин. Бундай жазо асосий жазо тариқасида эмас, балки қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, у Жиноят Кодексида назарда тутилган бошқа жазоларга ҳам қўиш берилиши мумкин.

Шахсга у ёки бу фаолият билан шуғулланиши ёхуд у ёки бу лавозимни эгаллашни таққилаш ҳақида қисман бўлса ҳам тушунчага эга бўлдиқ. Энди бевосита саволга қайтадиган бўлсак, унга жавоб бериш учун аввало бир нарсани аниқлаб олиш лозим бўлади, яъни ходимга камомад учун жиноий жазо тайинланганда суд ҳукми билан унга маълум бир лавозимни эгаллашни ёки фаолият билан шуғулланиши таққилаш ҳақида қўшимча жазо кўрсатилгани ёки йўқми. Агар шундай жазо тайинланган бўлса, айнан қандай фаолият ёки лавозим кўрсатилган ва ходимга топширилаётган тўла моддий жавобгарлиги бўлган лавозим ўша суднинг ҳукмида кўрсатилган лавозимга мос келадими. Тўри келса саволга жавоб «мумкин эмас» бўлади. Маъодо, суднинг ҳукмида юқорида айтиб ўтилган жазо турини белгиланмай фақатгина озодлидан маҳрум қилиш (ёки бошқа бир жазо) жазоси берилган бўлса, ёки шундай қўшимча жазо берилган бўлса-ю, аммо у ходимга топширилаётган лавозимга мос келмаса, у ҳолда саволга «мумкин» деган жавоб бўлади.

Шу билан бирга айтиш керакки, суд ҳукми билан бирон бир шахс юқорида қайд этилган қаби жазога тортилган бўлса, у айнан ҳукма кўрсатилган мuddатда шу ҳукма кўрсатилган лавозимни эгаллаши ёки фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Суднинг бундай ҳукми уни бутунлай меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, яъни у бошқа ишларда ишлаши, суд ҳукмида кўрсатилган мuddат тугагандан сўнг эса айнан шу лавозимда ҳам ишлаши мумкин. Муайян фаолият билан шуғулланиш ҳам шу қаби.

25. Ишга қабул қилинаётган шахсини иш берувчи қандай ҳужжатлар билан таништириши керак?

Меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилини расмийлаштириш ҳақидаги буйрүк билан ходим имзо чеқтирилган ҳолда таништирилиши шарт. Аммо улардан олдин таништирилиши керак бўлган ҳужжатлар ҳам мавжуддир. Улар жаумласига қуйидагилар киреди: Топшириладиган иш (лавозим) йўриқномаси, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, корхонада мавжуд бўлган турли Низомлар (масалан муқофотлаш ҳақидаги Низом). Шунингдек, ишга қабул қилиш расмийлаштирилганда сўнг унинг меҳнат дафтарчасидаги ёзувни акс эттирадиган, кадрлар бўлимида юригиладиган, Т-2 формадagi қартчокадаги ёзувлар билан ҳам ходим имзо чеқтирилган ҳолда таништирилади. Шу ҳужжатлар билан ўз вақтида таништирилмасликнинг юридик оқибатлари ҳам иш берувчи учун, ҳам ходим учун ноқулай вазиятлар келтириб чиқариши мумкин. Масалан, иш вақтининг бошланиши, тугаши, тушлик вақти ва шу қабул қорхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилиши биланми. Ходим корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари билан таништирилмаган дейлик. Агар ходим ишга кел қилиши ёки барвақт кетиб қилиши қаби интнзном бўлишларига йўл қўйган тақдирда унга бу борада даъво қилиш ҳар доим ҳам иш берувчининг ютуғи билан тугайвермайди.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Шахрисабз туманидаги «Кеш» очиқ хиссадорлик жаъияти кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан қолоқ ҳўжалиқлар сафига тушиб қолди. Ҳўжалик жамоаси ўтган йили кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган режани барбод этди. Сарф-ҳаражатлар ортинб кетиши сабабли йил давомига атиги 1 миллион 616 минг сўм фойда олинган. Ҳўжалик, ташкилот ва корхоналардан 46 миллион сўм қарздор бўлиб қолган ёки жамоа аъзоларига 4 миллион сўмдан ортик ойлик иш ҳақи берилмаган. Ҳўш, қолоқликнинг сабаблари нималардан иборат?

Ташкилотчиликнинг етишмаслиги, янгликни ишлаб чиқаришга жорий қилишда тақрибасизлик, далаларда ташмаччилик ва талон-тарожнинг авж олиши, интнзномсизлик ҳўжалик фаолиятини издан чиқарди. Аҳволни яхшилаш мақсадига жорий йилнинг бошида ёш малакали муҳандис, ишбилармон Баҳорий Чориевни жаъият раислигига тавсия этилди.

— Ўтган йил йўл қўйилган жиддий нуқсонларнинг эди асосийси, - дейди Б.Чориев, — ҳўжаликда меҳнат интнзомининг бўшашиб кетганлиги, тадбиркорлик билан иш тугилаганлиги ҳамда техника воситаларидан тежаб-тергаб фойдаланмасликдан иборат эди. Масалан, ўтган йили ўт ўриш техникаларини туман трактор саройида таъмирлаш учун 6,5 миллион сўм харажат қилинган. Ваҳо-

тириш ишларини олиб боришди. Ана шунга ўхшаш тадбирларнинг амалийлигини таъминлаш орқалигина ривожланишга юз тутишига ҳаракат қилинмокда.

Чиндан ҳам шундай. Ушбу фикрни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлаши мумкин:

Жорий йилда давлатга пилла етиштириш режаси ошириб бажарилди: Фаллатириш ишларини олиб боришди. Ана шунга ўхшаш тадбирларнинг амалийлигини таъминлаш орқалигина ривожланишга юз тутишига ҳаракат қилинмокда.

Чиндан ҳам шундай. Ушбу фикрни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлаши мумкин: Жорий йилда давлатга пилла етиштириш режаси ошириб бажарилди: Фаллатириш ишларини олиб боришди. Ана шунга ўхшаш тадбирларнинг амалийлигини таъминлаш орқалигина ривожланишга юз тутишига ҳаракат қилинмокда.

Жорий йилда давлатга пилла етиштириш режаси ошириб бажарилди: Фаллатириш ишларини олиб боришди. Ана шунга ўхшаш тадбирларнинг амалийлигини таъминлаш орқалигина ривожланишга юз тутишига ҳаракат қилинмокда.

Жўжалик фаолиятини ривожлантириш, муваффақ-


боллар очиш тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдилар. Молларнинг наслини яхшилаш, илгор тақриблардан кенг фойдаланиш пайтидан бўлаяттилар. Ортиқча сарф-ҳаражатлар, исрофгарчиликка бархам берилди. Қари сигирлар насрдор ёш моллар билан алмаштирилаёттир.

Жорий йилнинг охирига қадар моллар сони 1500 бошга, чўчқалар сони 1000 бошга етказилди. Қарши туманидаги «Мангит» ҳўжалигидан 50 бош Бестен-Прес зотли қорамол сотиб олинган, моллар зоти янада яхшиланди.

Ҳа, ишнинг қўзини билиш, тадбиркорлик билан иш юритилаётгани, маъмурият касаба уюшмаси фаоллари мададига кўпроқ таянаётгани ҳўжаликдаги 46 миллион дебитор қарзининг 26 миллионни узилишини таъминлади. Қолган қарздан ҳам 2-3 ой ичида қутлиш мўлжалланмокда. Ишловчиларнинг 4 миллион сўмликдан ортик иш ҳақи бериб бўлинди. Фақат шу ярим йилликда қарийб 4 миллион сўм соф фойда қўрилди. Дижонлар йили 30 миллион сўм фойда олиш билан якунлашмокчи.

Хайрулла Тўраев.

OLAMDA



БОГОТА. Яқинда Колумбия Миллий университетининг 26 нафар олим ва талабаси Миллий оозодлик армияси (МОА) жангарилари томонидан гаровга олинган эди. Кўни кеча жангарилар уларни оозод қилди. МОА раҳбари Николас Родригес гаровдагиларга ҳеч бери эзугум ўтказилмаганини маълуом қилди. Унинг айтишича, университет экспедицияси исбнчилар назорат қиладиган худудга беришак киргани учун қўлга олинган эди. Экспедиция мақсади фақат ушбу худудда илмий таққиқотлар ўтказишдан иборат экани авн бўлган, исбнчилар уларни қўйиб юборган.

ДАМАШҚ. Ҳафтанинги йиллик таанафусдан сўнг, Сурия билан Ироқ ўртасида темир йўл алоқаси тикланди. Ўтган ҳафта охирида Ироқнинг Мосул шаҳридан Суриянинг Ҳалаб шаҳрига қараб илк поезд йўлга чиқди. Ҳабарларга қўра, ушбу йўналишдаги поездлар ҳозирча ҳафтада бир марта қатнайди.

ПЕКИН. Хитой археологлари юз минг йил аввалги даврга оид тошдан ясалган меҳнат қуролларини топди. Мамлакатнинг Цзянцзу вилоятидаги Юйшан тоғларида топилган ушбу нодир асбоб-анжомларнинг сони олтимишга яқин. Олимлар юз минг йил илгари Чам Хитой аҳоли Япония ўртасида савдо алоқалари бўлган, деб тахмин қилаёттир. Чунки, Юйшан тоғидаги топилган Япониядан топилган қадимий меҳнат қуроллариға жуда ўхшаб кетади.

РАБОТ. Сьерра-Леонеда ҳуқумат қўшинлари билан Бирлашган инқилобий фронт (БИФ) жангарилари ўртасида бўлаётган жанглар тугайли тинч аҳоли мамлакатни тарқ этмокда. Ўтган ҳафта-нинг ўзида мингга яқин одам паноҳ топиш мақсадига қўшни Гвинеяга ўтди. БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий комиссарлиги маълумотларига қайд этилишича, уларнинг аксарияти аёллар ва ёш болалардир.

Гвинеяда жаъи 300 минг нафар сьерра-леонелик қочқин бор. Шунингдек, яна 95 мингга яқин одам Либерияда паноҳ топган. (ЎзА)

NIMA GAP

Хадислар ҳофизи, шайхулислом, шарҳ қонуншуносларининг султони Бурхониддин ал-Марғиноний таваллуд топган кунининг 910 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланадиган тантаналарга оз муддат қолди. Бурхониддин Абулхасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдуқалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний жаҳон халқларининг маънавий-диний тараққиётига, ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган аллома, нодир истеъдод соҳиби бўлган.



Қадимий Мовароуннаҳр буюк ислом ҳуқуқшунос олимлари — фақиҳлари билан оламда донг таратган. Бу заминда тўққизта машҳур қозилардан бири бўлган Убайдулло ибн Умар ад-Дабусий, аллома Абу Ҳафсан-Насафий, Ал-Кафол уш-Шоший каби улкан олимлар умри-боқий асарлар яратиб ислом ҳуқуқшунослиги ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар. Улар сафида аллома Бурхониддин ал-Марғиноний алоҳида юксак мақомга эга. Улуғ фақиҳнинг «Ал-Ҳидоя» китоби ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўз мукамаллиги, илмий теранлиги, ҳаётийлиги билан мислсиз шухрат қозонган. Мангуликка дахлдор бу китоб саккиз юз йилдан буён бутун мусулмон мамлакатларида энг мўътабар, ишонарли ва мукамал ҳуқуқий манбалардан бири сифатида қўлланиб келинмоқда.

мизийнинг ҳадис тўпламларидан ўқиб ўрганган. Халқ орасида кенг тарқалган ривоятлардан бирида хикоя

НОДИР ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Бурхониддин ал-Марғиноний 1121 йилда ҳозирги Риштон туманида таваллуд топган. Унинг болалик, ўсмирлик йиллари Риштон ва Марғилонда ўтади. Дастлабки билимини шу ерда олади. Сўнгра Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида таҳсил кўриб қонуншунослик илмини кунт билан ўрганади. Унинг ота-боболари кўзга кўринган қонуншунослар бўлишган. У ҳам оилавий анъанани давом эттириб, етук қонуншунос даражасини эгаллаган. У ўз замонасининг атоқли мударрисларидан сабоқ олган. Ҳадис илмини улуг муҳаддис — Имом Абу Исо ат-Тер-

килинишича, Самарқанд ҳукмдори ўз аёнлари билан сафарга чиқади. Аллома яшайдиган қишлоққа етиб келганларида номоз вақти бўлиб қолади. Йўловчилар масжид ичкаричига кирадилар. Бурхониддин ал-Марғиноний имомликка ўтадилар ва номозни қисқароқ қилиб ўқийдилар. Номоз тугагач, ҳукмдор бунинг сабабини сўраганда, аллома «Сафарга чиққан кишиларнинг вақти тигиз бўлади, шариатда уларга номозни қисқароқ қилиб ўқишга руҳсат бор» деб тушунтирадилар. Олий мартабали мөҳмон ҳамда мезбон ўртасида қизгин суҳбат бўлиб ўтади. Ҳукмдор «Ҳазрат, мен Сизни Самарқандга олиб кетаман» дейди. Мезбон: «Қандай бўларкин, бу ерда менин қариндош-уруғларим, ҳамқишлоқларим бўлса» деб розилик бермайди. Лекин алломга мөҳри тушиб қолган ҳукмдор уни қариндош-уруғлари билан Самарқанднинг ҳозирги Регистон майдонига туташ Беҳдех маҳалласига кўчиририб келтириб жойлаштиради. Бурхониддин ал-

Марғинонийнинг қонуншуносликка оид «Китоб ул-мазид» («Илми зиёда қилувчи китоб»), «Китоб ул-

фароиз» («Фарзлар китоби»), «Китоб ул-машойиҳ» («Шайхлар ҳақидаги китоб»), «Бидоят ал-мубтадид» («Илмга киришувчилар учун биринчи асос»), «Нашр ал-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Кафолат ал-мунтахай» («Илми ниҳоясига етказувчининг қаноатланиши») каби 15 га яқин асарлари замондошлари, илм аҳлларида катта қизиқиш уйғотди. Улуғ алломанинг бутун мусулмон дунёсида тан олинган ва ҳуқуқ бўйича асосий манба ҳисобланган «Ал-Ҳидоя» асари 1178 йилда Самарқандда ёзилган. Унда шариат масалалари, исломнинг асосий талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалар, хусусан, покланиш, номоз, рўза, закот, ҳаж, қурбонлик, оила-ниҳоқ билан боғлиқ қоидалар, мулкий ва молиявий муносабатлар мукамал шарҳлаб берилган. Тўрт жилдли, 56 бобдан иборат мазкур асар Қуръони карим, ҳадислар, дастлабки тўрт халифа саҳобаларининг ривоятлари, суннийлик оқимининг асосчилари асарларига суяниб яратилган.

Бурхониддин ал-Марғиноний бу шоҳ асар билан тенгсиз қонуншунос, ўз даврида ҳуқуқий билимларни тўплаб, уларни яхлит тартибга келтирган буюк назарий ва амалиётчи эканлигини намойиш этди.

Мазкур асар жамиятшунос, ҳуқуқшунос, диншунос ҳамда Ватан тарихи ва шариат билан шуғулланувчи барча китобхонлар учун бебаҳо қўлланмадир. Машҳур аллома Ал-Ҳаддод таъбири билан айтганда, «Ҳидоя» ҳам Қуръон каби ўзидан илгари шариат бўйича ёзилган барча китобларни беқадр қилди. Асар бир қатор шарҳ ва тарғиб тилларига таржима қилинган.

Абулхасанот Лақнавий аллома ҳақида шундай деб ёзади: «Имом ал-Марғиноний фақиҳ, Қуръон ҳофиз, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб, ўзлаштирган иқтидорли устод, ўткир назар билан текширувчи ва диққат билан иш юритувчи зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар соҳиби, илму адабда мисли кўрилмаган адиб ва шоир, илм ул-хилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бир зот эди».

Бурхониддин ал-Марғиноний 74 йил умр кўрди. У Самарқанддаги машҳур, тупрогини шоҳлар, валийлар, алломалар кўзига суртган Чокардизга қабристонига дафн этилган.

Улмас асарлари, ибратли фаолияти билан мамлакатимиз ва халқимиз шайнида улуғлаган буюк ватандошимиз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда бизга ҳамма ҳамроҳдир. Не шарафки, у зот қолдирган буюк меросдан нафақат биз, балки бутун инсоният баҳраманд бўлмоқда.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

БЕБАҲО АСАР

Шу йилнинг сентябр ойда тиббиёт илмининг буюк даҳоси Абу Али ибн Сино таваллуд топган кунининг 1020 йиллиги кенг нишонланади. Бу санага Ўзбекистонда айниқса катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Табобат оламининг бо-бокалони Абу Али ибн Сино Фарбда эса «Авиценна», «Файласуфлар князи», «Шифокорлар князи» каби номлар билан машҳур бўлган эди.

Урта аср Шарқнинг улуг олими Ибн Сино асарлари даставвал Шарқ мамлакатларида шухрат топди. XII асрдан бошлаб Европага тарқалди. Олимнинг лотин тилидаги биринчи қўлёзма таржимаси XII асрга тўри келади. Уша асрдаёқ кре-

монлик олим Гурард Ибн Синонинг асосий тиббий асари ҳисобланган. «Тиб қонунлари»ни арабчадан лотин тилига таржима қилди. Шундан кейин Европа университетларида тиббиёт фани Ибн Сино асари бўйича ўқитила бошланди.

«Тиб қонунлари» ўзининг асосий дарслик ва қўлланма сифатидаги қиммати 500 йилдан ортироқ вақтга сақлаб қолди. Биринчи бор у уйғонши давридаги инсонпарвар марказлардан бири бўлган Страсбург шаҳрида

эса Урта Осиёда бир пайтлар будда дини тарқалишига ишора қилиб ёзган «Варлаам ва Юсуф ҳақида достон» асарини таржима қилди. 1560 йили Прагада чоп этилган «Турк башоратининг баёни» китобида: араблар ва ашамликлар орасидан Абу Мажор, Ибн Сино каби забардаст олимлар етишиб чиққан, деб кўрсатилган.

Шу тариқа улуг ватандошимизнинг асарлари бутун дунёга тарқала бошлади. «Қонуннинг айрим қисмлари форс, урду, турк, инглиз, немис ва француз тилларига таржима қилинди. Ўзбек шарқшунослари самарали изланишлари билан Ибн Синонинг бу шоҳ асарининг бешта китоби 1954-1961 йилларда Тошкентда нашр этилди.



УЛАРНИ ХОРИЖДА ҲАМ БИЛИШАДИ

75 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган Тошкентдаги Федорович номли клиник санаторийсига даво истаб келаётганлар калнеологик муолажалар ёрдамида юрак бол-томир, ишомия, ревматизм, эндоартрит, реино касалликларидан фориғ бўладилар.

120 ўринли шифонада барча тиббий ходимлар ўз касбий маҳоратларига инсонийлик сифатларини қўшган ҳолда беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар. Шунингдек, бу ерда ошқозон-ичак, буйрак, жигар, пуштсизлик, периферик ва марказий асаб тизими аномалияси каби касалликларни даволаш ҳам яхши натижаларга эришилмоқда.


юқори малакали, ташхис қўйишнинг етук мутахассисларидир, дейди биз билан суҳбатда санаторийнинг бош шифокори Зуннур Исмоилов. — Бизда бемор нафақат меҳр ва қудайликларни, балки касаллик устидан энгиб чиқишга бўлган ишончни ҳам тўлиқ ҳис қилади. Шунингдек, ушбу нуфузли мусобақада ҳақами қилиш имтиёзини қўлга киритган ўзбекистонлик Д.Каримов ва М.Голованов маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Умуман олганда, ўзбек каратэчилари халқаро майдондаги зафарли одимларини давом эттириб, бу гал ҳам Ватан шайни деган муқаддас туйғуни муносиб Ҳимоя қилдилар.

мижозлар ихтиёрига топширилади. — Инсонлар касалликка чалинмай яшашлари учун нималар қилишлари лозим? — Бунда америкаликлардан ўрнак олса арзийди, дейди З.Исмоилов. — Чунки тиббиёт юқори даражада ривожланган бу мамлакатда одамлар муолажа ва дориларга берилмасдан табиат кучоғида кўпроқ ҳордиқ чиқаришга, турли асаб-зарликлардан ўзларини асрашга, қувноқ кишилар даврасида бўлишга ҳаракат қиладилар. Демак, руҳки соғлом экан, тана ҳам соғлом бўлади. Бизнинг шифо масканимизни ана шундай турмуш тарзини тарғиб қилувчи даргоҳ дейиш мумкин. Шу боис бу ерга Қозғоистон, Қирғизистон, Россия каби давлатлардан ҳам мижозлар келиб даволанадилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

ПАЗАНДАЧИЛАР МАМЛАКАТИ

Францияда таом тайёрлаш ва овқатланиш катта санъат ҳисобланади. Пазандачилик бобида кўплаб китоблар нашр этган мамлакат ҳам, уни юксак даражага кўтарган Франциядир. Бу ерда пазандаларга ҳатто профессор унвони ҳам берилди. Олим Брайсаверенаннинг «Лаззат психологияси» номли асарида айтилишича, француз таомларидан киши ҳар кун бири хилдан истеъмол қилиб борса, умрининг охиригача еб тутатаолимас экан. Қолаверса, у ерда яна янги-янги таомлар ижод этилмоқда.



Бу мамлакатда барча таом ижод этишга ҳаракат қилади. Ҳатто кўпгина композиторлар пазандаликда шухрат топди. Шу боис салатларни опералар номи аташади. «Анда», «Кармен», «Флория Тоска», «Мильон» каби опералар шулар жумласидан. Вағно исмли оддий бир ошпаз эса таомларга тузган рўйхатини шеървий усулда баён қилган ва мусиқага солиб қуйлаган.

Бу юртимизда спортга бўлган эътибор кучлидиги ва барча шарт-шароитлар мавжудлиги шарофатидир, - деди Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти, 6-Дан соҳиби Нурхон Нафасов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Глазго шаҳрида (Шотландия) ўтказилган 9-Жаҳон Кубоги баҳсларидаги каратэчиларимизнинг ютуғи ҳам ушбу эътиборнинг мевасидир. Сайёрамизнинг 30 га яқин мамлакатидан 700 нафардан зиёд спортчилари иштирокида кечган мurosасиз беллашувларда ўзбек ўгонлари 4 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритиши терма жамоамизнинг кучли учликдан жой олишини таъминлади.

Каратэ оламида юқори поғоналарни банд этиб келаётган Англия, Бельгия, Россия, Германия, Эрон каби қатор мамлакатларнинг кучли спортчилари ҳамюртларимиз билан бўлган учрашувларда майдонни бош эгиб тарк

этишга мажбур бўлдилар. Халқаро майдонда йирик спорт мутахассиси Томи Морис томонидан ҳам ўзбекистонликларнинг саяҳ-ҳаракатлари юқори баҳоланди. Рақибларини яқка олишувда доғда қолдирган Илхом Каримов мусобақанинг энг яхши

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ ОЛТИНИ



иштирокчиси номига сазовор бўлди. Азамат Қаландаров, Аъзам Абдумавлонлар ҳам юқори поғоналарни банд этишди.

У.Низомов, Н.Хўжаев, И.Каримовлар катта (кўргазмалли чиқиш) баҳсларида кумуш медал билан тақдирланган бўлишса, О.Қосимов, И.Мирбобоев, Ф.Абдумавлон, Н.Хўжаевлар бронза медали соҳибларига айланди. Дамир Гумиров ҳам каратэ (яқка олишув) баҳсида медаллари сонини яна бир бронза медали билан бойитди.

Шунингдек, ушбу нуфузли мусобақада ҳақами қилиш имтиёзини қўлга киритган ўзбекистонлик Д.Каримов ва М.Голованов маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Умуман олганда, ўзбек каратэчилари халқаро майдондаги зафарли одимларини давом эттириб, бу гал ҳам Ватан шайни деган муқаддас туйғуни муносиб Ҳимоя қилдилар.

Жаҳон чемпиони Азамат Қаландаров: — Чемпионатга жўнаш олтидан фақат олтин медал иштиёқиде сафарга отлангандим. Бу кўп йиллик орзуим эди. Гарчи барча рақибларим кўзга кўринган каратэ юлдузлари бўлса-да, орзуим рўёбга чиқишида улар тўқинлик қилиш олмади.

Дастлабки баҳсда Осиё чемпиони, эронлик Али Шотирзодани мағлубиятга учратдим. Англиялик, бельгиялик ва германиялик машҳур каратэ усталари билан бўлган баҳсим ҳам осон кечмади. Финалда Европа чемпиони россиялик Андрей Наумов устидан ғалабага эришдим.

Жаҳон чемпиони Аъзам Абдумавлон (11 ёш) — Венгрия ва Германияда ўтказилган Жаҳон Кубоги баҳсларида чемпион бўлган эдим; Шотландияда ҳам омадим топди. Учинчи бор чемпион деган шарафга муяссар бўлганимдан хурсандман. Ушбу мусобақада 9 ёшли укам Фаррухнинг ҳам кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлгани қувончимни чексиз ортирди. Мустақил Ўзбекистонимиз шарафини Олимпиада баҳсларида ҳам мағрур Ҳимоя қилмоқчи доимо тайёримиз.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаб
уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Реклама,
эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маншамиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Маtbуот қўмитиси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма тибок, Умумий аҳли 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Топширилди 00.30